

**БИРЛАМЧИ ТИББИЙ-САНИТАРИЯ ЁРДАМ МУАССАСАЛАРИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН
УАШЛАР УЧУН КОРОНАВИРУС-ИНФЕКЦИЯСИ ТАРҚАЛИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ
ВА ШИФОХОНАДА ДАВОЛАНИБ ЧИҚҚАН БЕМОРЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ
БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР АЛГОРИТМИ**

Расулова М.И., Садирова М.А.,

Тошкентда Врачлар малакасини ошириш институти.

✓ **Резюме**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида" 2020 йил 29 январда Ф-5537-сонли Фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг талабларига кўра БТСЕМ ишлайдиган УАШларининг бажарадиган бирламчи профилактик вазифалар йўриқномаси ишлаб чиқилди.

УАШларни профилактик вазифалар доираси бир дақиқага ҳам кечиктириб бўлмайдиган жараён бўлиб, пациентларни касалликнинг илк белгиларидан, бошланғич давридаёқ назоратга олиб, карантин талабларига, шахсий гигиена қоидаларига, соғлом турмуш тарзига қаратилса, салбий хавф омилларини, оғир асоратларни, ўлим ҳолатларини камайтириб, минглаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолишга, миллион, миллиард Давлат бюджет маблағларини тежашга ёрдам беради.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, коронавирус, хавф омилари, профилактика

**АЛГОРИТМ МЕРОПРИЯТИЙ ПО ПРЕДОТВРАЩЕНИЮ РАСПРОСТРАНЕНИЯ КОРОНАВИРУСНОЙ
ИНФЕКЦИИ ДЛЯ ВОП РАБОТАЮЩИХ В ПЕРВИЧНЫХ МЕДИКО-САНИТАРНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ
И ОСУЩЕСТВЛЯЮЩИХ ЛЕЧЕНИЕ В СТАЦИОНАРЕ**

Расулова М.И., Садирова М.А.,

Ташкентский институт повышения квалификации врачей.

✓ **Резюме**

Во исполнение Распоряжения Президента Республики Узбекистан №5537 "Об образовании Специальной республиканской комиссии по подготовке Программы мер по предупреждению завоза и распространения нового типа коронавируса в Республике Узбекистан" от 29 января 2020 года, а также согласно требованиям Министерства здравоохранения Республики Узбекистан разработан перечень мероприятий первичной профилактики, проводимых ВОП в условиях первичного звена здравоохранения.

Одной из задач, стоящих перед ВОП, является наблюдение за пациентом с момента появления первых симптомов заболевания и обучения его соблюдению правил карантина, личной гигиены и здорового образа жизни. Такой подход позволяет уменьшить влияние негативных факторов риска, предотвратить развитие серьезных осложнений, уменьшить показатели смертности, а также необходим для спасения жизни тысяч людей и экономии средств государственного бюджета.

Ключевые слова: Министерство здравоохранения Республики Узбекистан, коронавирус, факторы риска, профилактика.

**ALGORITHM OF MEASURES TO PREVENT THE SPREAD OF CORONAVIRUS INFECTION FOR GPs
WORKING IN PRIMARY HEALTH CARE INSTITUTIONS AND PERFORMING
HOSPITAL TREATMENT**

Rasulova M.I., Sadirova M.A.,

Tashkent Institute of advanced training of doctors.

✓ **Resume**

Pursuant to Presidential Instruction No. 5537 of 29 January 2020 on the establishment of a special national commission to prepare a programme of measures to prevent the importation and spread of a new type of coronavirus in Uzbekistan, and in accordance with the requirements of the Ministry of Health, a list of primary prevention measures has been drawn up for the primary health care sector.

One of the tasks of a general practitioner is to observe the patient from the moment the first symptoms of the disease appear and to teach him or her to follow quarantine, personal hygiene and healthy lifestyle rules. This approach reduces the impact of negative risk factors, prevents the development of serious complications, reduces mortality rates, and is necessary to save the lives of thousands of people and save the state budget.

Key words: Ministry of health of the Republic of Uzbekistan, coronavirus, risk factors, prevention.

Долзарблиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юза-

сидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида" 2020 йил 29 январда Ф-5537-сонли Фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг талабларига

кўра БТСЁМ ишлайдиган УАВларининг бажарадиган бирламчи профилактик вазифалар йўриқномаси ишлаб чиқилди [4].

УАШларни профилактик вазифалар доираси бир дақиқага ҳам кечиктириб бўлмайдиган жараён бўлиб, пациентларни касалликнинг илк белгиларидан, бошланғич давридаёқ назоратга олиб, карантин талабларига, шахсий гигиена қоидаларига, соғлом турмуш тарзига қаратилса, салбий хавф омилларини, оғир асоратларни, ўлим ҳолатларини камайтириб, минглаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолишга, миллион, миллиард Давлат бюджет маблағларини тежашга ёрдам беради.

УАШларни ўтказадиган бирламчи профилактикаси - бу инсон ҳаётига зиён етказувчи касаллик ва уни келтириб чиқарувчи хавф омилларини эрта аниқлаб, бартараф этишга йўналтирилган фаолиятдир.

УАШларни профилактик вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Карантин даврида ўзида бирор бир касаллик ёки нохушлик аломатларини сезган республикамызнинг ҳар бир фуқароси аптекага бориб дори-дармон сотиб олиши ёки ҚВП, ҚОП, ОП, КТМПга чиқиб шифокорга мурожаат қилиши қатийян ман этилади. Фақат уйда қолиб, УАШни уйига чақиртириши мумкин;

2. УАШ индивидуал ҳимоя воситаларини кийиб, ниқобини тақиб, ҳамма пациентларга бирдек потенциал коронавирус инфекцияси (КВИ) билан касалланган деб фараз қилиши шарт;

3. Тана ҳарорати кўтарилишига шикоят қилган бемор ёнига яқин келишдан қўрқиб, бошқа тор мутахассисни юбормасдан, коронавирус инфекциясига гумон қилинган беморда коронавирус инфекциясининг умумий ва специфик хусусиятларини аниқлаши (грипп, парагрипп ёки бошқа респиратор инфекциялар каби кечаяптими, ютинганида, аксирганда оғриқ, ринит, бош оғриғи, йўтал, ҳарорат кўтарилиши, титраш, хансираш, ҳолсизлик, мушакларда оғриқ бор йўқлигини суруштириши) зарур;

4. Беморнинг ҳолатини бирламчи баҳолаш, унинг оғирлиги даражасини аниқлаш (кўзнинг шикастланиши (конъюнктивит), қусиш, суюқ ва тез-тез ич кетиши (гастроинтестинал синдром), айрим беморларда аҳволи тезда ёмонлашиб, ҳарорат кўтарилиб, тинимсиз йўтал ва нафас етишмовчилиги ривожланади);

5. Объектив усулларни қўллаш (тана ҳарорати, пульс, қон босимини ўлчаш, ўпка аускультацияси, нафас олиш частотасини санаш, оғиз ва бурун бўшлиғини кўриш);

6. Эпидемиологик тарихни ойдинлаштириш ва эпидемиологик анамнез йиғишни (КВИ қайд этилган давлатлардан 0-14 олдин келганлиги, КВИ қайд этилган давлатлардан келган қариндош-уруғи ёки таниш-билишиникига бориб, улар билан мулоқотда бўлганлиги, шифохонада ётган беморни кўришга борганлиги);

7. Ушбу инфекцияга берилувчанлик хусусиятини синчиклаб аниқлаш, айниқса ёши 60дан юқори бўлганларда истма ҳар доим ҳам кўтарилмаслигини унитмаслик, анамнезида ўриндош касалликлари (юрак қон томир касаллиги, артериал гипертензия, семизлик, бронхиял астма, қантли диабет) мавжудлигини, физиологик модда алмашинуви ва когнитив қобилиятларини сусайишини, депрессия ҳолатларини инобатга олиш; ўзи ёш, лекин сурункали ноинфекцион касаллиги бўлганларда, мунтазам кучли дори

препаратларни ичиб юрадиган, иммуносупрессорли ҳолатларни тўғри баҳолаш;

8. КВИни қиёсий ташхисотини олиб бориш (грипп, риновирусли инфекция, РС-инфекция, бактериал ва вирусли гастроэнтеритлар билан);

9. Коронавирус инфекциясининг енгил шакли кечаётган бемор шифохонада даволаниши талаб этилмайди, лекин вирус тарқалиб кетишини олдини олиш учун уни бошқалар билан мулоқат қилишдан чегаралаб, изоляция қилинади. КВИнинг енгил шакли кечаётган беморларга симптоматик даво, масалан истма учун антипиретик (парацетамол) тавсия этилади. Агар бемор бирор бир асорат аломатларини сезса (тумов белгилари, нафас олишини қийинлашиши, нафас қисиши, қуруқ йўтал кўпайиши, оғзи қуриши, хансираш ва ҳ.к.) маҳаллий ҳудуднинг УАШ билан телефон орқали боғланиб, 1003 чақиртирилади ва тез ёрдам машинасида шифохонага юборилади;

10. Агар коронавирус инфекцияси мавжуд беморни ташхисланса, КВИ аниқланса ёки гумон қилинса шошилиш хабарномани ҳудудий СЭОМга тўғри тўлдириш, ўчоқда яқуний дезинфекция тадбирларини ўтказиш учун дезинфекция бўлимига буюртма бериш, КВИ эпидемиологик тарихини тўлдирга олиш, зарурият бўлганда коронавирус инфекциясини аниқлаш учун биоматериаллар намунасини ола билиш (теширув учун бурун-халқум ажралмалари, шиллиқ, балғам, қон, пешоб ва нажас олинади);

11. Коронавирус инфекциясини аниқланганда, уларга даво режасини аниқлаш (беморни тез ёрдам машинасида инфекцион шифохонага юбориб, бемор чиққан хонадоннинг зарарсизлантирилиши лозим бўлган хонанинг барча жихозлар, мебель юзалари, эшик тутқичлари, беморга тааллуқли идишлар, кўрпатўшак ва б. зарарсизлантирилади. Биологик чиқиндилар (қусуқ моддалари, овқат қолдиқлари, нажас) 1:5 нисбатда қуруқ дезинфектант билан аралаштирилади, 1 соат дан сўнг канализацияга тўкиб юборилади. Хоналарда мунтазам равишда хона ҳавосини кондиционер ёрдамида ёки 30 минут давомида хона "елвизак" усулида шамоллатилади. Беморнинг оила аъзолари ва яшаш жойидаги мулоқотда бўлган кўни-қўшнилари бўйича маълумотлар олиниб, бирламчи ҳудудий тиббиёт муассасалар томонидан 14 кунлик кузатувга қўйилади);

12. КВИ эпидемияга қарши профилактик чора-тадбирларни ўтказиш ва аҳоли орасида ҳамда КВИ билан касалланган беморнинг оила аъзоларига қуйидаги тушунтириш ишларини олиб бориш (КВИ қўзғатувчилари ташқи юзаларда ҳарорат +33 °C 16 соатгача сақланади, +56 °C да нобуд бўлади. Хлороформ, формалин, (70%) этил спирти, (1%) хлоргексидин таъсирида 2 минутда ўлади. Шунинг учун қўлни антисептик воситалар билан тез-тез артиб туриш; камида 20 секунд давомида мунтазам равишда қўлларни совун билан яхшилаб ювиш; зарурият бўлмаса, юз-кўзига, бурнига қўл билан тегмаслик; йўталганда ва акса урганда бир маротабалик салфеткалардан фойдаланиб, ахлатга ташлаш; индивидуал ҳимоя воситаларидан фойдаланиш (тиббий ниқоб, қўлқоп); фақат қайнатилган ёки қадоқланган сувни истеъмол қилиш; яқин 1 метр масофада мулоқотда бўлмаслик; коронавирусли инфекция энг кўп учрайдиган ҳудудларга бормаслик, одамлардан узоқда, тоза ҳавода кўпроқ сайр қилиш; хоналарда ҳаво ҳарорати ва намликни меъёрга ушлаш; хоналарни тез-тез шамоллатиш; соғлом

турмуш тарзи ва спорт билан шуғулланиш; шамоллашга қарши табиий маҳсулотлардан: пиёз, чеснок, қора седана, жуссей, заржабил (имбирь), асал, ялпиз, мелисса (торонгил), розмарин, корица, зарчава (куркума), витамин С га бой бўлган кўкатлардан салатлар тайёрлаб, кунига 2-3 маҳал истемол қилиш; овқат қилишдан аввал хом гўштни яхшилаб ювиб, гўшттахтани ишлатгандан сўнг уни ҳам яхшилаб ювиб, кейин устида бошқа маҳсулотларни тўғраш; гўшти овқатларни яхшилаб қовуриш ёки узоқ вақт қайнатилган овқатларни истемол қилиш, фас-фудлардан чегараланиш; турли ёввойи хайвонларга яқинлашмаслик, набодо қўли билан хайвонни силаган бўлса, зудлик билан қўлга ишлов бериш; тана ҳарорати кўтарилиб, юқори нафас йўллари касалликлари аломатини сезса, дарҳол УАШ телефон орқали чақиртириб, мурожаат этиш) [3,5,8].

Коронавирус инфекциясига чалинган бемор ушбу инфекциянинг белгилари тугагач, клиник кечиш даражасига қараб шифохонадан чиқарилади. Шифохонадан чиқарилишининг асосий шарт 24 соат интервал оралиғи билан 2 марта ўтказилган диагностик тест негатив, яъни манфий натижани кўрсатувчи вирус элиминациясидир. Шифохонадан чиққач, бирламчи ҳудудий тиббиёт муассаса ходими УАШ томонидан 14 кунлик изоляцияда назоратда бўлади. Мана шу пайтда шифохона мутахассисини берган тавсиясини давом эттириш билан бирга БТСЁМ ишлайдиган УАШларининг бажарадиган учламчи профилактик вазифалар йўриқномаси куйидагиларни ўз ичига олади:

УАШларнинг учламчи профилактикаси ёки реабилитацияси КВИ билан хасталанган беморларда пайдо бўлиши мумкин бўлган кейинги асоратларини олдини олиш, ўз вақтида назоратли объектив текширувларни ўтказиш, уларнинг аҳволини енгилаштириш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилаш учун реабилитацион муолажа олиб бориш ва динамикада мониторинг қилишга йўналтирилган фаолиятдир[6].

Шифохонадан чиққан беморлар организмда куйидаги ўзгаришлар кузатилиши мумкин:

1. КВИга чалинган беморлар шифохонадан чиққандан кейин ҳам ўзининг асосий касалликларини хуружи туфайли турли дори препаратларнинг полипрагмазияси ҳисобига организмга (жигар, ошқозон, буйрак, ичак микробиоти) ножўя таъсири маълум бир вақтгача давом этиб боради. Кўпинча ушбу беморларда гастрит, токсик гепатит, диарея, тилининг қарач боғлаши, эшитиш қобилиятини пасайиши, канديدоз ва ҳ.к.лар учрайди;

2. Шифохонада даволанган даврда бемор кам ҳаракатлилиги натижасида қабзият бўлиши, тана вазни индексининг ошиб кетиши, физиологик модда алмашинуви, қон ва лимфа алмашинувини бузилиши ҳисобига қўл-оёқ мушаклар тонусини сусайиши, ётоқ яралари пайдо бўлиши мумкин;

3. КВИ ўтказган кекса беморларда когнитив қобилиятларнинг сусайиши натижасида кўпинча депрессия ҳолатлари (кайфиятни тушиши, уйқуни бузилиши, теварак-атрофидагилардан ҳафа, гина-кинояли, ёлғизлик, ўзгаларга мухтожлик ҳисси, бетоқатлик, ваҳма, кўрқув, фобия, паника хуружлари);

УАШнинг асосий қуроли бўлган иммунитетни кўтариш, организмни токсинлардан ювиб тозалаш, ошқозон ичак микрофлорасини тиклаш, модда алмашинувини яхшилаш, организмнинг қувватини ошириш ва секин-асталик билан беморни чиниқтириш.

КВИни юқтириш билан бирга ўриндош сурункали ЮБК (юррак қон томир касаллиги, артериал гипертония, семизлик, бронхиял астма, қандли диабет) бўлган, ҳамда ёши 65дан юқори бўлган кексалар шифохонадан тузалиб чиққанларида, шифохонада анти-вирус препаратлари (арбидол, хлорохин фосфат ва ҳ.к.) юрак қисқариш частотаси, ритми ва ўтказувчанлигини пасайтиришини инобатга олиб, уларда кунига АҚБ ўлчаб, юрак ва ўпка аускультацияси, пульс ва нафас олиш частотасини санаб, ҳар 3 ойда гликемия ва холестерин миқдорини текшириб туриш, жигар, қораталоқни УТГ ўтказиш.

Амбулатор кузатувда ётган беморда кайфиятнинг кўтариш, ҳавотирли ҳолатлардан чиқариб олиш учун аввалам бор бу бемор иккинчи маротаба ушбу штамми коронавирус касаллигига дучор бўлмаслигини, унда умрини охиригача короновирусга қарши бир умрлик иммунитетини ҳосил бўлганлигини тушунтириш керак. Психопрофилактика, медитация ва аутотренинг машқларини ўтказиш ("Мен бошқа касал бўлмайман", "Мен узоқ-умр бахтли ҳаёт кўраман", "Мен ҳаммага керакли инсонман" ва ҳ.к.).

Тўғри овқатланиш тартибига риоя қилишни ўргатиш:

- Инсон кун давомида 2,5 л суюқлик ичиб, 1,5 л чиқарса, оғир КВИни ўтказган беморга организмни ювиш учун 1 кунда 2,5 лдан кўпроқ суюқлик (тоза минерал сув; туршак, олча, олма қоқиларидан қилинган компот; табиий мевалардан шарбатлар; муроббо, асал, лимон қўшиб дамланган чойлар, наъматак, қорақанд дамламалари, ёғсиз гўштлар, товукдан тайёрланган қайнатма шўрвалар ва ҳ.к.);

- Кундалик овқат рационини 7%ни ташкил этиши керак бўлган антиоксидант, витамин ва минералларга бой бўлган сабзавот-мевалар (сабзи, каром, пиёз, чеснок, шолғом, жўхори, олма, банан, кўкатлар ва ҳ.к.) 400 грдан кам бўлмаслиги керак.

- Қабзиятни олдини олиш учун енгил ҳазм бўладиган оқсил, клечатка, крахмалга бой бўлган (гуруч, нўхот, ловия, мош, гречка, геркулес, қора нон, қуритилган мевалар ва ҳ.к.) кундалик овқат рационини 47-60%ни (600-800 гр) ташкил этса, энергетик манабани қоплаш учун 10% ширинликлар истемол қилиш кифоя;

- Ичак микрофлорасини тиклаш учун ҳар кун қатиқ ёки йогурт ичишни тавсия этиш; Иммунитетни кўтариш учун пиёз, чеснок, қора седана, жуссей, заржабил (имбирь), асал, ялпиз, мелисса (торонгил), розмарин, корица, зарчава (куркума), витамин С га бой бўлган кўкатлардан салатлар тайёрлаб, кунига 2-3 маҳал истемол қилиш.

Шифохонадан чиққан кунидан бошлаб пневмония ёки бошқа асоратлар ўтказган беморларга жисмоний ҳаракатлардан:

- калаватда ўтирган ҳолатда бошини ўнга, чапга, олдинга, орқага ва айланма ҳаракатларни секин-асталик билан бажариш;

- Нафас олишини яхшилаш, енгилаштириш учун респиратор релаксация гимнастикалари ўтказилади: - ўпкасини тўлдириб, чуқур аста-секинлик билан нафас олади, 5-10 секунд нафасини ушлаб туриб, аста-секинлик билан чиқаради;

- кўкрак қафаси олдинга, елкалар орқага аста-секинлик билан диафрагмани кўтаролганича чуқур нафас олади ва чиқаради;

- қўлларни қайчисимон ҳаракатлар қилиб, аввал ўнг томонга кейин чап томонга 5-6 мартадан такрорлайди;

- шарни пуфлаб шиширади ва бўшатади;
- Ўрнидан туриш, юриш имконияти бўлса, бирор бир нарсага таяниб туриб, жойида юриш;
- танасини 30-40-50 градусга ён томонларга буриш;
- олдинга, орқага энгашиш, оёқ-қўлларни эҳтиёр эркин равишда ҳаракатлантириши мумкин.

5 дақиқа ичида юрак уриши ва пульсн тезлашиши, демак қон тананинг ҳамма аъзоларига етиб борганлигидан, қон яхши юришаётганлигидан далолат беради. Ушбу жисмоний ҳаракатлар сонини ошириб бориб, кунига 20-25 дақиқага етказиш организмда модда алмашинувини яхшилайд. "Соғлом" вазн - тана вазни индексини (ТВИ) 18,5-25 оралиғида ушлаш. Ёши улуг кекса беморларга 18,5 дан камайиб кетса ҳам, 25дан ортиб кетса ҳам организмга салбий таъсир кўрсатади [7,9].

Организмни чиниқтириш учун ҳар куни сочиқни хўллаб баданни яхшилаб артиш; душ тагида чўмилгандан кейин иссиқ сувни секин-асталик билан илиқ, сўнгра совуқроқ сувга алмаштириш, контраст сувда чўмилиш; Қиш мавсумида тоғ - ён бағирларида чанги, чана учиш, табиат қўйнида йилига 1 маротаба 2-3 ҳафтага бориб дам олиш ёки санатория-курорт дам олиш зоналарида физиотерапия, сувли массаж ва уқалаш муолажаларини қабул қилиш организм учун кони фойда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чоратadbирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг № 5537 Фармойиши (29.01.2020й)
2. COVID-19 коронавирус инфекциясининг республика ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича қўшимча профилактик ва эпидемияга қарши чора-таadbирларни такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон республикаси Бош давлат санитария врачининг № 3 Қарори (27.02.2020 й)
3. COVID-19 коронавирус инфекциясини республика ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чоратadbирларни янада такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон республикаси Бош давлат санитария врачининг № 4 Қарори (14.03.2020 й)
4. Профилактика, диагностика и лечение новой коронавирусной инфекции (2019-nCoV) Временные методические рекомендации. Москва, 2019.
5. Национальное руководство по COVID-19 Ташкент, 26 марта, 2020.
6. Коронавирус инфекциясини ташхислаш ва даволаш бўйича клиник протокол. Тошкент, 12.02.2020.
7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 2 июлдаги "Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш ва касаллик тарқалишини олдини олиш борасида ўтказилаётган эпидемияга қарши кураш таadbирларини такомиллаштириш тўғрисида"ги № 176 сон буйруғи.
8. Медицинская вирусология /Учебное пособие Под ред. д.м.н., профессора И.И. Генералова// Витебск 2017 год.
9. "Пандемия даврида умумий таълим муассасаларида COVID-19 коронавирус касаллигининг профилактикасини амалга ошириш, уни эрта аниқлаш ва даволаш-диагностика ҳамда реабилитация жараёнларини ташкиллаштириш чоралари тўғрисидаги ССВнинг 228 сонли буйруғи"

Келиб тушган вақт 09.11. 2020